“ЎЗҚИШЛОҚХЎЖАЛИКМАШЛИЗИНГ” АКЦИЯДОРЛИК ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ БОШҚАРУВИ РАИСИ Н.ОТАЖОНОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ЎТКАЗИЛГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИДА ҚИЛГАН МАЪРУЗАСИ

2014 йил 07 июль

Фермер хўжаликларини лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида

Ҳурматли матбуот анжумани қатнашчилари!

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов жорий йилнинг 5-6 июнь кунларида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида, истиқлол йилларида, яъни ўтган 22 йил давомида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислоҳотлар натижасида ғалла етиштириш ҳажмининг 1 миллион тоннадан 7,8 миллион тоннага етганлигини, Ўзбекистон ғалла экспорт қиладиган мамлакатлар қаторидан жой эгаллаганлиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 2 баробардан зиёдга ошганлигини қайд этиб ўтди.

Республикамизда амалга оширилаётган “Озиқ-овқат дастури”да белгиланган устувор вазифалардан бири – бу, фермер хўжаликларини юқори самарали замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашдир. Техника билан таъминлашда лизинг механизмини энг қулай ва самарали эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ҳукуматнинг 2000 йил 2 ноябрдаги “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ фермер хўжаликлари учун “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси хизматидан фойдаланишда бир қатор имтиёзли лизинг шартлари белгиланган. Бу имтиёзларга - лизинг объекти қийматининг 15 фоизини олдиндан тўлаб берилиши, тракторлар ва ўрим-йиғим техникаларининг фермер хўжаликларига 10

йил муддатга, лизинг фоизи йиллик миқдорининг Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмаслиги киради (2-слайд).

Фермер хўжаликларига лизинг хизматини жойларда ташкил этиш мақсадида республикамизни барча вилоят марказлари ва Қорақалпоғистон Республикасида “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компаниясининг ҳудудий филиаллари ташкил этилган ва 1 та шўъба корхонаси фаолият кўрсатмоқда. 2014-2016 йилларда эса босқичма-босқич равишда Компания ҳудудий филиалларининг туман бўлинмаларини ташкил этилиши режалаштирилган (3-слайд).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012-2016 йилларда Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида” 2012 йил 21 майдаги ПҚ-1758-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компаниясининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш жараёнларидаги иштирокини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компаниясининг капиталлашуви даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 16 апрелдаги ПҚ-1955-сон қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ ўтган йилда Компания устав фонди 10,9 млрд сўмдан 50,0 млрд. сўмга кўпайтирилди (4-слайд).

Компания бизнеси етарли даражада диверсификацияланган бўлиб, нафақат қишлоқ хўжалик корхоналари (фермерлар, МТП, ММТП, “Агротехсервис”)га, балки унинг доирасида турли тармоқ ва мулкчилик шаклидаги хўжалик органларига, жумладан “Ўздонмаҳсулот” компанияси, “Ўзпахтасаноат” уюшмаси ва “Қишлоқхўжаликкимё” ОАЖ тизимидаги корхоналарга ҳам лизинг хизматлари кўрсатилмоқда (5-слайд).

Компания ўз фаолиятини бошлаган даврдан бошлаб ўтган вақт мобайнида республикамиздаги 37 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги корхоналарига жами 1 трлн. 108,8 млрд. сўмдан ортиқ қийматдаги 49 минг 660 донадан ортиқ ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга етказиб беришни амалга оширди (6-слайд).

Кўрсатилган лизинг хизматлари бўйича лизинг портфели қолдиғи 2014 йил 1 январь ҳолатига 454,0 млрд. сўмга етиб, ўтган йил шу даврдагига нисбатан 83,0 млрд. сўмга ёки 43,1 фоизга кўпайган (7-слайд).

Қиймат бўйича таҳлил қилинганида мазкур Компания томонидан 2012 йилда 167,7 млрд. сўмлик, 2013 йилда эса 276,2 млрд. сўмлик қийматдаги ёки ўтган йилдагига нисбатан 164,7 фоизга кўп ҳажмда техникалар лизинг асосида етказиб берилди. 2014 йилнинг ўтган 6 ойида бу кўрсаткич 100,5 млрд сўмлик қийматдаги 1850 дона техникани ташкил этди (8-слайд).

“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси томонидан жорий йилда 4 мингдан ортиқ фермер хўжалигига 40 турдаги 4 минг 500 донадан ортиқ қишлоқ хўжалик техникаларини лизинг асосида етказиб беришни таъминлаш бўйича иш олиб борилмоқда.

Ҳаммангизга маълумки, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳаси серқирра бўлиб, пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик каби бир неча хил йўналишлардан иборат.

Ҳар бир соҳа ўз ишлаб чиқариш хусусиятига қараб ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалик техникалари етказиб берилишини талаб этади.

Компания томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасининг ҳар хил йўналишдаги хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, фермер хўжаликларига қуйидаги турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари лизингга етказиб берилмоқда:

чопиқ ва транспорт ишларини амалга ошириш учун 4 хил турдаги ТТЗ-80.10, ТТЗ-80.11, ТТЗ-811 ва ТЛ-100 русумли тракторлар (9-11 слайдлар);

ҳайдов ишларини бажариш учун 5 хил турдаги LS 1004, LS PLUS 100, TS-135, T6070, Arion-630c русумли тракторлар (12-16-слайдлар);

ғалла ўрим-йиғими ишларини бажариш учун 2 хил турдаги “Доминатор-130” ва “Тукано-430” русумли ғалла ўриш комбайнлари ва

Z-511 хашакни тойлаб боғлаш (пресс-подборшик) агрегатлари (17-19-слайдлар);

пахта йиғим-терими ишларини бажариш учун МХ-1,8 русумли пахта териш машиналари (20-слайд);

ғўза қатор орасига ишлов бериш, ғўзага кимёвий ишлов бериш ва дефоляция қилиш мақсадлари учун КУ-4ВМ, КХУ-4В русумли култиваторлар, ВП-1М, ОРПД-12М, ОВХ-600 русумли кимёвий дори пуркаш мосламалари лизингга етказиб берилмоқда (21-23-слайдлар);

боғ орасига ишлов бериш учун ТТ-40 русумли мини тракторлар (24-слайд);

чорвачилик соҳаси йўналиши бўйича маккажўхори ва дағал хашакни ўриш, майдалаш ва ташиш ишлари учун “Ягуар-850” русумли комбайнлар, КИР-1,5Г ва МС-90 русумли агрегатлар ҳамда 2ПТС-4-793-03А русумли трактор тиркамалари (25-28-слайдлар);

тупроққа ишлов бериш учун “Европал 7 (3+1)”, “Европал 7(4+1)” русумли плуглар, “Вариопак” ва “Зиркон” русумли тупроқ майдалаш агрегатлари (29-30-слайдлар) лизингга етказиб берилмоқда.

Лизингга берилган қишлоқ хўжалик техникаларининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши таҳлилига кўра техникаларни энг кўп миқдорда лизингга олишда Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари пешқадамлик қилмоқда (31-слайд).

Компания томонидан лизинг олувчиларга лизинг хизмати кўрсатиш билан бир қаторда бепул равишда қуйидаги консалтинг хизматлари ҳам кўрсатиб келинмоқда (32-слайд):

лизинг қонунчилиги, лизингга техникалар олиш тартиби ва лизинг шартномасини тузиш масалаларида ҳуқуқий ёрдам;

лизинг соҳасида бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиш бўйича маслаҳатлар;

лизингга техника олиш учун “Бизнес режа” тузиш тартиби бўйича амалий ёрдам;

жойларда лизинг фаолиятини тушунтириш бўйича давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказиш;

лизингга олинаётган қишлоқ хўжалик техникалари ва уларнинг техник кўрсаткичлари тўғрисида реклама буклетлари тарқатиш.

Ҳозирги вақтда Компания ўз олдига, келгусида жаҳон молия бозорига чиқиш ва чет эл молия ташкилотлари кредитларини жалб этишга эришиш мақсадини қўйган. Мазкур мақсадга эришиш йўлида Компаниянинг корпоратив бошқарув механизмига халқаро ISO 9001 : 2008 “Менежмент сифат тизими” стандартини жорий этиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Мазкур тизимни жорий этилиши корпоратив бошқарув тизимини жаҳон стандарти даражасига кўтариш, бошқарув фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини ҳамда лизинг хизмати кўрсатиш сифатини ошириш, халқаро молия бозорида фаол иштирок этиш имкониятини беради.

Компанияда ҳудудий филиаллар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалалари бўйича ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Бу йўналишда олиб борилаётган энг асосий ишлар қаторига Фарғона шаҳрида Компаниянинг Фарғона вилоят филиали учун 3-қаватли офис биносини қурилиб, ишга туширилганлигини ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида ва Бухоро вилоятининг Бухоро шаҳрида жойдаги ҳудудий филиаллар учун ана шундай офис биноси қурилиши амалга оширилаётганлигини қайд этиб ўтиш мумкин (33-слайд).

Филиаллар учун бундай офис бинолари қурилишини амалга оширилиши бир томондан, ходимлар учун ҳозирги замон талабига жавоб берувчи иш шароитларини яратишга хизмат қилса, иккинчи томондан, Компаниянинг реал активлари ҳажмини ошириш орқали молия бозоридан қўшимча кредит ресурсларини жалб этишга имконият беради.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича Компания ҳам ўз ҳиссаси билан иштирок этмоқда. Мазкур мақсадда, Компания томонидан 50 млн. сўмлик маблағ эвазига Тошкент шаҳридаги 105-сонли болалар ёрдамчи махсус мактаб-интернати учун компьютер

синфи ташкил этилиб, компьютер қурилмалари ва мебеллар билан жиҳозланди (34-слайд).

“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси томонидан қишлоқ хўжалигига 2014 йилда ўтган йилдагига нисбатан камида 10 фоизга кўп ҳажмда лизинг хизматлари кўрсатилиши режалаштирилган бўлиб, бунда асосий эътибор талаб катта бўлган ҳайдов тракторлари, макка ва хашак ўриш комбайнлари ва пахта териш машинаси тракторларини лизингга етказиб беришга қаратилмоқда.

Сўзимнинг якунида бугунги матбуот анжумани ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Эътиборларингиз учун раҳмат!